

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТОҒАЕВ ДИЛШОД ХИДИРНАЗАРОВИЧ

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ БИЛАН СИМПТОМСИЗ
ГИПЕРУРИКЕМИЯ БИРГАЛИКДА КЕЛГАН БЕМОРЛАРДА
ЭНДОТЕЛИЙ ДИСФУНКЦИЯСИ ВА УНИ КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШ
ЙЎЛЛАРИ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD /Tib163 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ташкенбаева Элеонора Негматовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хамраев Абдор Асрорович
тиббиёт фанлари доктори

Алиахунова Мавжуда Юсуповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2019 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 2-ўқув бино “Б” корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел.: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Қон айланиш тизими касалликлари (ҚАТК) ва биринчи ўринда юрак ишемик касаллиги (ЮИК) аҳолини касалланиши, бирламчи ногиронлик ва ўлим сони ошишига олиб келувчи асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Ҳар йили дунёда ҚАТКдан 17 млн. киши ўлади, бутун дунё Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра бу ҳолат барча ўлим ҳолатларини 29% ни ташкил қилади ва бунинг деярли ярми ЮИК натижасида келиб чиқадиган ўлимга тўғри келади¹. Ўзбекистон аҳолисининг умумий касалланиш структурасида ҚАТК анъанавий ҳолда етарли даражада паст 6-8чи ўринни эгаллаб келмоқда. Аммо, ҚАТКдан ўлим мамлакатда барча ўлим сабаблари ичида 61,6% ни ташкил этади ва ЮИК ҳисобига ҚАТК билан боғлиқ бўлган барча ўлим ҳолатларининг ярми тўғри келади. Охириги ўн йилликдаги изланишлар ЮИК этиологияси ва патогенезида эндотелий дисфункцияси ва гиперурикемиянинг ўрни муҳимлиги ва ўлим кўрсаткичини 1,5-2,0 маротаба оширишини исботлади. Келтирилган маълумотлар ЮИК нақадар глобал тиббий-ижтимоий муаммо эканлигидан дарак беради ва ушбу муаммони даволаш ҳамда эрта ташхислашда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш заруриятини талаб қилади.

Дунё миқёсида ҳозирги кунда ЮИК келиб чиқишида 300 дан ортиқ ген-давогарлари исботланган. Олинган натижалар ЮИК ривожланишида генетик мойиллик турличалиги аниқланган бўлиб, бунинг сабаби: этник хилма хиллик, генларни плейотроп самараси, субклиник фенотипларнинг мавжудлиги, индивиднинг генетик хусусиятларидир. Шу билан бирга ҳозирги вақтда симптомсиз гиперурикемия ва эндотелий дисфункцияси ЮИК ҳамда ўткир миокард инфарктини келиб чиқишида ўзи мустақил предиктор ва патогенетик омил сифатида қаралмоқда. ЮИК атеросклеротик шикастланишнинг муҳим патогенетик механизмларидан яна бири цитокинлар таъсирида маҳаллий иммун тизим фаоллашуви натижасида лейкоцитлар ва тромбоцитларни артерия деворига миграцияси, адгезия ва агрегацияси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун бу омилларнинг генетик полиморфизмини ўрганиш ва олинган натижалар асосида даволаш ва профилактика чора-тадбирларини яратиш тиббиётнинг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади ва алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида, жумладан юрак ишемик касаллигини тўғри ташхислаш ва самарали даволаш мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қуваатлаш ва касалликларни

¹Вишневский А.Г., Андреев Е.М., Тимонин С.А. Влияние болезней системы кровообращения на демографическое развитие России // Аналитический вестник Совета Федерации Федерального Собрания РФ.-2015,-с.61-78.

профилактика қилиш каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида юрак ишемик касаллигини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали асоратларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада илм-фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика илм-фан ва технологияларни ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлар томонидан ЮИК ривожланиш механизмининг молекуляр механизмлари, унинг ностабил кечишида турли омилларнинг роли ва даволашнинг персонификацияси ўрганилган. Ўтказилган йирик NHANES, Framingham Heart Study, MONICA/KORA Cohort Study текширувлари гиперурикемияли беморларда миокард ўткир инфарктини ривожланиш хавфи ва ўлим кўрсаткичи метаболик синдромга нисбатан 1,5-2,0 маротабага юқорилигини кўрсатди. Бу йўналишдаги изланишлар хорижий олимлар томонидан жадал ўрганилмоқда: Thomas F. Whaynes (АҚШ), Heidenreich P. A., Heidenreich P. A. (АҚШ), Alderman M. H. (АҚШ), Hernesniemi J. (Финляндия), Levinsson A. (Швеция), France L. V. (Нидерландия), Carreras-Torres R. (Каталония), Bessenyei B. (Венгрия).

МДХ мамлакатларида И.Д. Беспалова, И.М. Марусенко, А.А. Подольская, П.Л. Шуба, М.С. Елисеева, В.С. Моисеев, Л.А. Бокерия, Н.А. Мухин, В.И. Маколкин ва бошқалар томонидан симптомсиз гиперурикемияни юрак қон-томир тизими касалликлари, мультиморбид патологиялар ривожланишида; томирлар эндотелийсининг ремоделланишида аҳамияти; антиоксидант ҳимоя, азот оксиди тизимида қатнашувчи ва ангиотензин ҳосил қилувчи ферментлар генларидаги мутацияларни ЮИК ривожланишида моилликни белгилаши ёритилган. ЮИКда томирларнинг атеросклеротик шикастланишида асосий механизмларидан бири бўлиб лейкоцитлар фаолланиши, уларнинг артерия деворига миграцияси, липопротеидлар алмашинувини бузилиши, макрофаглар ва силлиқ мушак хужайралари пролиферацияси ва модификацияси хисобланади. Томир деворларини ремоделланиши ва тромблар ҳосил бўлиш жараёнларинининг барча

босқичларида цитокинларнинг аҳамияти исботланган. Адабиётларда келтирилишича, қон зардобида TNF- α (rs1799724) миқдорини ортиши ўткир инфаркт миокарди ривожланиш ҳавф омили ҳисобланади ва унинг миқдорини ўткир даврдан сўнг юқориликча сақланиши касалликни оғирлик даражасини белгилайди. Демак, биомаркерлар ва ЮИК ривожланиши ўртасидаги сабаб-оқибат боғлиқлиғини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Адабиётларда ЮИК ва уларни келиб чиқишида турли биомаркерлар аниқланишига қарамасдан, уларни ҳосил бўлишида ёки бошқарилишида қатнашувчи генларнинг аллель вариантларини билиш ҳавф гуруҳи беморларида ёки уларни ишлаб чиқиш даражасига ёки ишлаш хусусиятига таъсир қилиши ҳавф гуруҳидаги пациентларда профилактик чора тадбирларни ўтказиш имкониятини яратади.

Бизнинг юртимизда ЮИКда гиперурикемия билан эндотелиал дисфункция ўртасида боғлиқлигини ўрганиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар Ихтисослашган илмий амалий терапия ва реабилитология марказида академик А.Л. Аляви раҳбарлигида, ТТАда профессор И.Р. Мавлянов ва т.ф.д. Д.А. Набиевалар, Самарқанд тиббиёт институтида т.ф.д. Э.Н. Ташкенбаевалар томонидан ўтказилмоқда. Олимларнинг фикрича, гиперурикемияни ривожланиши жигарнинг функционал-метаболик жараёнларини бузилиши ва азот оксиди метаболизмини ўзгариши ҳисобига келиб чиқади. Жаҳон адабиёти таҳлили GLUT9 (rs52448471), TNF- α (rs1799724) ва URAT-1 (rs3825016) генлари полиморфизмини ўзбек миллатига мансуб симптомсиз гиперурикемияли ЮИК бўлган беморларда ўрганилмаганлигини кўрсатди. Юқорида қайд этилганлар бундай беморларни даволашда касалликнинг клиник хусусиятлари ва янги патогенетик ҳавф омилларини, ҳамда генлар полиморфизми, айниқса суст ўрганилган генлар ассоциациясини ўрганиш аҳамиятлидир. ЮИК симптомсиз гиперурикемия билан кечганда беморларда қонда сийдик кислотаси миқдорини ҳисобга олган ҳолда даволаш тактика ва стратегияси ишлаб чиқилмаган. Бундай тадқиқотлар симптомсиз гиперурикемия ЮИКни предиктори ва ҳавф омили эканлигини асосли тушунишга, профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишга, касалликни олдиндан башорат қилишга, ҳамда ушбу беморларни даволашнинг оптимал вариантларини танлаш ва даволаш самарадорлигини оширишни йўлга қўйиш учун жуда муҳим ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ПЗ-2017092727280 "Барқарор бўлмаган стенократия вариантларини башорат қилиш учун молекуляр генетик усулларини ишлаб чиқиш ва уларнинг терапиясига индивидуал (персоналлаштирилган) ёндашув" амалий гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади симптомсиз гиперурикемия билан бирга келган ЮИКги патогенезида метаболик, генетик, яллиғланиш жараёнлари ўзгаришларни ўзига ҳослиги асосида β -адреноблокаторлар ва ангиотензин рецептор антогонистлари препаратлари самарадорлигини ва ҳавфсизлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

симптомсиз гиперурикемия негизида ЮИКнинг турли хил клиник белгилар ва эндотелий дисфункцияси кўрсаткичларига боғлиқ холда яллиғланиш цитокинлар (TNF- α ва IL-6) миқдорий ўзгаришларини баҳолаш;

ўзбек популяциясида симптомсиз гиперурикемия билан кечувчи ЮИКда TNF- α (rs1799724), GLUT9 (rs52448471) ва URAT1 (rs3825016)) полиформизмини касалликни башоратлашдаги аҳамиятини аниқлаш;

симптомсиз гиперурикемияли ЮИК бўлган беморларда генлар полиморфизмини (TNF- α (rs1799724), GLUT9 (rs52448471) ва URAT1 (rs3825016)) касалликнинг кечиши, клиник белгилари, яллиғланиш цитокинлари, сийдик кислота ва холестерин миқдори билан боғлиқлигини асослаш;

симптомсиз гиперурикемияли ЮИК бўлган беморларда генлар полиморфизмига асосланган холда β -адреноблокаторлар ва ангиотензин рецептор антогонистлари препаратлари миқдорини танлаш билан даволаш самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти юрак ишемик касаллиги билан 441 бемор олинган – улар РШТЎИМСФ интенсив терапия ва кардиореанимация бўлимларида стационар даволанишда бўлишган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник белгилар, функционал текширув кўрсаткичлари, қон лейкоцитлари ва плазмаси олинган.

Тадқиқот усуллари. Қўйилган мақсад ва вазифаларни ечиш учун ЮИК билан беморлар комплекс (клиник, функционал, лаборатор - ИФА, ПЦР) текширишлардан ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

симптомсиз гиперурикемия негизида ривожланган ЮИК бўлган беморлар қон зардобидида касалликнинг оғирлик даражасига боғлиқ TNF- α ва IL-6 миқдорини ошганлиги ва улар мутаносиблиги исботланган;

ЮИК келиб чиқиш ҳавфи ва касалликни кечиши билан URAT1 (rs3825016), GLUT9 (rs52448471) ва TNF- α (rs1799724) генлар полиформизми мувофиқлиги асосланган;

илк бор ЮИКни симптомсиз гиперурикемия билан биргаликда кечувчи беморларда URAT1 (rs3825016), GLUT9 (rs52448471) ва TNF- α (rs1799724) генларни Т/Т, Т/Т ва А/А гомозигота холатда юқори даражада учраши касалликни келтириб чиқаришда қўшимча маркерлар деб ҳисоблашга имкон яратган;

илк бор симптомсиз гиперурикемия билан кечувчи ЮИК ассоциациялашган беморларда GLUT9 (rs52448471) ва TNF- α (rs1799724) генларини Т/Т ва А/А гомозигота холатида бўлиши касалликни ностабил кечиши билан боғлиқлиги, URAT1 (rs3825016) генининг Т/Т вариантыда касалликни стабил кечиши исботланган;

илк бор ЮИК бўлган беморларда яллиғланиш цитокинлари, ҳамда умумий холестерин миқдорини кескин ошиши GLUT9 (rs52448471) генининг Т/Т гомозигота ва TNF- α (rs1799724) А/А гомозигота холатида кузатилди, сийдик кислотасининг кескин ошиши URAT1 (rs3825016) генининг Т/Т

гомозигота ҳолатда келиши асосланган;

илк бор GLUT9 (rs52448471) ва TNF- α (rs1799724) генларнинг турли аллелларини симптомсиз гиперурикемия негизида ривожланган ЮИК бўлган беморларда агонистлар билан даволаш имкониятларини оширади: C/T ва G/A аллеллари бўлган беморларда β -блокаторлар самарадорлиги, АРАни пурин алмашинуви меёрлашиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЮИК ностабил характерда кечишини аниқлаш мақсадида аддитив дифференциал-диагностика мезони сифатида қон зардобида TNF- α ва ИЛ6 миқдорини аниқлаш афзаллиги исботланган;

Ўзбек популяциясида URAT1 (rs3825016), GLUT9 (rs52448471) ва TNF- α (rs1799724) генлари гомозигота T/T, T/T ва A/A аллеллари учраши ЮИКни симптомсиз гиперурикемия билан кечишига моиллигини белгилаши, касалликни кечиши ва оғирлик даражасини башоратлаши исботланган;

симptomсиз гиперурикемия ва ЮИК бўлган беморларда яллиғланиш цитокинларини кескин фаоллашуви ва умумий холестерин миқдорини ортиши GLUT9 (rs52448471) генининг T/T гомозигота ва TNF- α (rs1799724) A/A гомозигота, сийдик кислотасини жадаллик билан ортиши URAT1 (rs3825016) генининг T/T гомозигота ҳолатда бўлиши кўрсатилган;

GLUT9 (rs52448471) ва TNF- α (rs1799724) генлари полиморфизмини аниқлаш даволашни персонификациялаш ва β -АБ ҳамда АРА дори воситалар миқдорини чегаралаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги статистик ишлов учун беморлар ва текширувлар миқдорининг етарлилиги, адекват усулларнинг қўлланилганлиги, бирламчи информацияни олиш ва қайта ишлаш учун кўп тадқиқотларда синалган усулларни қўлланганлиги ва олинган натижаларни бошқа мавжуд натижалар билан солиштирганлигига асосланган. Олинган натижалар мавжуд маълумотларга зид эмас. Натижаларни статистик ишловида Exell ҳамда OriginPro7,5 (OriginLab Corporation, АҚШ) дастурлар пакети қўлланилди. Назорат ва тажриба гуруҳидаги беморлар ўртасидаги фарқ аниқланганда Стъюдент муқаррарлик коэффициенти (t) ва фарқларнинг ишончилилик кўрсаткичи (P) аниқланди. Олинган натижаларнинг ишончилиги мутахассислар баҳолари ва уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти симптомсиз гиперурикемия негизида кечувчи ЮИК патогенетик механизмлари ҳақидаги билимларимиз янада кенгайтиради, касалликни жадаллашиши ва оғир кечишида яллиғланиш омиллари ва эндотелий дисфункциясининг ўрни ёритилган, касаллик келиб чиқишида URAT1 (rs3825016), GLUT9 (rs52448471) ва TNF- α (rs1799724) генларининг аҳамияти, уларнинг гомозигота шакллари учраши эса касалликни оғир кечиши ва яллиғланиш цитокинларини кескин фаоллашувига сабаб бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти беморлардаги молекуляр-генетик тадқиқотлар симптомсиз гиперурикемия билан

биргаликда кечувчи ЮИК ривожланишига моилликни, ЮИКнинг оғирлик даражаси ва босқичларини башоратлаши, ҳамда яллиғланиш жараёнлари, гиперхолестеринемия ва гиперурикемияни даражасини белгилаши, даволаш сифатини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Симптомсиз гиперурикемия билан боғлиқ бўлган ЮИКда эндотелиал дисфункцияни коррекция усулларини ишлаб чиқишда олинган натижалар асосида:

«Эндотелиал дисфункцияни коррекция усуллари» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан ихтиро патенти олинган (№IAP 05346). Мазкур усул сийдик кислотаси шаклланишидаги бузилишларни NO синтез механизмини коррекцияловчи комбинирлашган дори воситалари ёрдамида эндотелиал дисфункцияга таъсири исботланган;

“Юрак ишемик касаллиги билан симптомсиз гиперурикемия бирга келган беморларда эндотелий дисфункция ва уни коррекция қилиш йўллари” услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 13 июлдаги 8н-р/187-сонли хулосаси) Ушбу услубий тавсиянома симптомсиз гиперурикемияси бўлган юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункцияни персоналлаштирилган даволаш учун имкон берган;

“Юрак ишемик касаллигида симптомсиз гиперурикемия бўлган беморларни даволашни оптимизацияси” мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 октябрдаги 8н-р/256-сонли хулосаси) Ушбу услубий тавсиянома касалликнинг клиник хусусиятларини инобатга олган ҳолда ЮИК ва симптомсиз гиперурикемия билан касалланган беморларни аниқлаш бўйича чора-тадбирларни оптималлаштириш ва янги патофизиологик позициялардан урикозурик дори воситаларини қўллаш билан анъанавий даволаш усулини бирлаштиришга имкон берган;

симптомсиз гиперурикемияси бўлган юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда эндотелиал дисфункцияни тузатиш учун персоналлаштирилган ёндашувни оптималлаштирган GLUT9 (rs52448471), TNF- α (rs1799724), URAT1 (rs3825016) ген полиморфизмини ўрганишга ҳамда Небиволол ва Кандесартаннинг гомозигот ва гетерозигот генотипларда ҳар хил дозаларида қўллаш Самарқанд вилоят кардиология диспансери ва Самарқанд вилояти Окдарё туман тиббиёт бирлашмасининг клиник амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2019 йил 25 октябрдаги 8н-з/170-сонли хулосаси). Олинган илмий натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётида қўллаш юрак ишемик касаллигининг ностабил вариантларини даволаш самарадорлигини ошириш, асоратлар сонини ва касалхонада даволаниш муддатини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 37 илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 илмий мақола, 11 та Республика ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек 1 та патент ва 2 услубий кўрсатма, 1 монография тасдиқланган ва чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, 130 та фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юрак ишемик касаллиги асоцирланган симптомсиз гиперурикемия патогенези ва фармакотерапияси»** деб номланган биринчи бобида ушбу тиббий муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиётларда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинган ва ЮИК патогенезида симптомсиз гиперурикемиянинг ўрни, генетик жиҳатлари ва фармакотерапиясининг замонавий тасавури ҳақида адабиёт манбалар тизимлаштирилган, муаммонинг очилмаган ва аниқлаштиришни талаб этувчи жиҳатлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Симптомсиз гиперурикемия негизда ривожланган ЮИК бўлган беморларнинг тадқиқотга киритиш мезонлари ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган материалларнинг умумий тавсифи батафсил ёритиб берилган. Ушбу тадқиқот РШТЎИМСФ шошилиш терапия бўлимида 2012–2016 йилларда симптомсиз гиперурикемия ва ЮИК бўлган 441 беморларда (аёллар 183; 41,1% ва эркаклар 258; 58,9%) ўтказилган. Уларнинг ўртача ёши ± 60 ни ташкил қилди ва симптомсиз гиперурикемия негизда ривожланган ЮИК асосан ўрта ва кекса ёшдагиларда (74,5%) учраган. ЮИК беморларни ташхислаш 2009 йили стабил стенокардияни ташхиси ва даволаш мезонлари асосида олиб борилган, бунда II функционал синфдаги (ФС) стабил зўриқиш стенокардия 192, III ФС - 114, IV ФС - 17 беморларда, ностабил стенокардия эса 118 кишида қайд этилган. 32 беморларда миокард инфаркти (МИ) анамнезида қайд этилган ва кардиосклероз ривожланган, чап қоринча аневризми 4 беморда аниқланган. Сурункали юрак етишмовчилигининг (СЮЕ) I даражаси 2, II А – 47, II Б – 134 беморларда қайд этилган. 42 беморларда аритмия, ўтказувчанлик функциясини бузилиши – 12, автоматизм

ва миокард кўзгалувчанлигини бузилиши– 4, бўлмачалар фибрилляцияси ва қоринчалар экстрасистолияси беморларда – 30 қайд этилган. Барча беморларда 1дан 3гача клиник ремиссиядаги ёндош касалликлар бўлган: гипертония касаллиги 22,4% беморларда, 12,6% - метаболик синдром. Сийдик кислота (СК) миқдори 74 беморларда 300 ммоль/л дан пастлиги, 168да – 300 дан 350 ммоль/л гача, 199 беморларда эса 350 ммоль/л дан ортиқлиги қайд этилган. Умумий холестерин (УХС) миқдори 149 беморларда 5,0 ммоль/л дан паст, 231та – 5,1 ммоль/л дан 6,1 ммоль/л гача, 31 беморда эса 6,2 ммоль/л дан юқорилиги аниқланган.

Беморларда функционал ЭКГ (Fukuda FX-7102, Хитой), трансторакал эхокардиография (SonoScape S15, Хитой), махсус биокимёвий текширишлар (УХС ва унинг транспорт шакллари: зичлиги юқори (ХС ЗЮЛП), зичлиги паст (ХС ЗПЛП) липопротеинларда холестерин миқдори; сийдик кислота миқдори) Mindray (Хитой) биокимёвий анализаторида «Вектор-Бест» АЖ фирмасининг (Россия) реактивларини ишлатиш орқали аниқлаган. Қон зардобидатNF- α ва IL-6 миқдори иммунофермент анализаторида (ELISA) аниқлаган. Генетик текширувлар ЎЗР ФА Биоорганик кимё институти геномика лабораториясида ўтказилган. Беморлар қон лейкоцитлари ДНКсида GLUT9 (rs52448471) , TNF- α (rs1799724) ва URAT-1 (rs3825016) генлар полиморфизми ўрганилган. ДНК ажратиб олиш стандарт нуклеосорбция (Boometal, 1999) усули орқали ўтказилган, бунда Diatom™ DNAPrep 200 (МЧЖ “Лаборатория ИзоГен”, Москва, Россия) реагентлар тўпламидан фойдаланилган. ДНК намуналарни типларга ажратиш GLUT9 (rs52448471), URAT1 (rs3825016) ва TNF- α (rs1799724) гени участкалари билан специфик олигонуклеотид праймерини ишлатиш орқали ўтказилган. ПЦР анализини ўтказиш учун ПЦР амплификация ДНК GenePak™ PCRCore (“Лаборатория ИзоГен” МЧЖ, Россия) тўпламларидан фойдаланилган.

Маълумотларнинг статистик ишланмаси умум қабул қилинган усул бўйича амалга оширилди. Натижаларни статистик ишловида Excel ҳамда OriginPro7,5 (OriginLab Corporation, АҚШ) дастурлар пакети қўлланилди. Назорат ва тажриба гуруҳидаги беморлар ўртасидаги фарқ аниқланганда Стьюдент муқаррарлик коэффициенти (t)ва фарқларнинг ишончилилик кўрсаткичи (P) аниқланган.

Диссертациянинг «Симптомсиз гиперурикемия негизида ЮИК патогенезининг ўзига хос метаболик, генетик, яллиғланиш механизмлари, ҳамда даволаш самарадорлигини ошириш, β -АБ ва АРА препаратлари ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадидаперсонализация концепциясини асослаш» деб номланган учинчи бобда ностабил ва стабил стенокардия ривожланишининг омиллари, фармакотерапияси батафсил баён этилган. Ретроспектив текшириш жараёнига ЮИК билан 191 бемор, шу жумладан 118 бемор НС (1-чи гуруҳ), 73 бемор СС бўлган (2-чи гуруҳ) ва 20 амалий жиҳатдан соғлом кишилар (назорат гуруҳи) киритилган. Олиб борилган тадқиқотлар симптомсиз гиперурикемия негизида ЮИК ривожланиб боришининг асосий омилларидан бири УХС ва транспорт шакллари, триглицеридларни қонда ошиши, ҳамда жигар функциясини

бузилиши бўлиши мумкинлиги исботланган. Сийдик кислота юқори миқдори ва холестеринни ошиб бориши ўртасидаги корреляцион боғлиқ аниқланган. Бундай ўзгаришлар кардиоваскуляр бузилишлар ва ЮИК келиб чиқишида ягона механизм мавжудлигидан дарак берган. Ностабил ва стабил стенокардияли беморларда стенокардияни хуруж давригача жигар функциясини қўйидаги бузилишлари кузатилган ва унинг асосий сабаблари: - қоринчаларнинг қисқарувчанлик хусусиятини пасайиши натижасида циркулятор гипоксемия келиб чиқиши;- тарқалган вазоконстрикция натижасида иккиламчи гиперальдостеронизм ва метаболик бузилишлар натижасида аъзо ва тўқималар ишемияси;- гемодинамика ўзгариши ва веноз тўлақонлик натижасида жигар гемодинамикасини ўзгариши; - узок муддат кимёвий дори воситалар истъеомол қилиниши натижасида гепатоцитлар функциясини бузилганлиги такидланган.

Стабил стенокардия бўлган беморларда TNF- α ва IL-6 миқдорини назорат гуруҳига нисбатан статистик ишонарли 1,34 ва 2,13 маротаба ошганлигини кузатган (1 жадвал). Ностабил стенокардия гуруҳида цитокинларнинг ортиши яна ҳам юқори бўлган (2,05 ва 3,25 маротаба, P<0,01).

1 жадвал

Гиперурикемия билан биргаликда кечувчи ЮИК беморларнинг қон зардобиди TNF- α ва IL-6 миқдори, M \pm m

Кўрсаткич	Назорат (n=20)	1 гуруҳ (n=118)	2 гуруҳ (n=73)
TNF- α , пг/мл	3,8 \pm 0,41	5,1 \pm 0,37*	7,8 \pm 0,29***
IL-6, пг/мл	1,6 \pm 0,21	3,4 \pm 0,28***	5,2 \pm 0,34***

Эслатма: * - назорат гуруҳидаги нисбий фарқ қиладиган маълумотлар ишонарли(* - P<0,05, *** - P<0,001).

Атеросклероз ва ЮИК келиб чиқишида яллиғланиш омиллари ва гиперурикемияни аҳамиятини исботлаш мақсадида кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқланган. Сийдик кислота миқдори ўртача ошган гуруҳ беморларининг қон зардобиди TNF- α ва IL-6 цитокинлар миқдори 4,4 \pm 0,11 пг/мл ва 2,1 \pm 0,17 пг/мл кўтарилганлигини кузатган. Сийдик кислота миқдорини ҳаддан ташқари ошган гуруҳида цитокинлар миқдори кўтарилиши 6,9 \pm 0,22 пг/мл ва 4,9 \pm 0,14 пг/мл гача бўлган. Ўхшаш ўзгаришлар қондаги УХС миқдори билан яллиғланиш цитокинлари орасида ҳам кузатилган: меёрий гиперхолестеринемияда биз цитокинлар ортишига моилликни кузатган, кучли гиперхолестеринемияда эса цитокинлар миқдори ишонарли касалликнинг оғирлик даражасига мос холда кўтарилишини аниқланган. Демак, сийдик кислота миқдори юқори кўрсаткичларга эга бўлганда иммун тизимининг кескин фаолланиши ЮИКни жадаллашувига олиб келган, бу эса улар орасида узвий боғлиқлик борлигидан далолат берган. Ҳақиқатдан ҳам стабил стенокардияли беморларда сийдик кислота қисман кўтарилиши ва

ялғиланиш цитокинлари орасида корреляцион боғланиш кучсиз тўғри бўлса, кескин гиперурикемия билан эса ўртача тўғри боғланишга ўтган. Стенокардияни ностабил кечишида бундай боғланишлар кучли томонга силжиди ($r=0,73$; $P<0,01$). Сийдик кислота ортиб борган сари цитокинлар миқдорини кескин ошиши касалликни жадаллашувига ва ностабил кечишини белгиланган.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар симптомсиз гиперурикемия билан биргаликда кечувчи ЮИК иммун бузилишлар патогенезида ялғиланиш цитокинларининг аҳамияти исботлаган. Бу эса келажакда касалликни ташхислашда янги қирраларни очиб беради ва даволашнинг патогенетик усулларини яратиш, ҳамда атеросклеротик жараёнларни ва эндотелий дисфункциясини жадаллашувини олдини олиш имконини яратган.

Ҳозирги вақтда молекуляр кардиологиянинг асосий вазифаларидан бири юрак қон-томир патологияларини генетик хавфли омилларини ўрганиш ва уларни касалликни ривожланишида улушини баҳолашдир. Генетик хавфли омилларни клиник, биокимёвий, муҳит ва бошқа хавф омиллардан фарқи тўғрилаб бўлмайдиган омиллар ҳисобланган. Генлар мойилликни баҳолаш даволаш-профилактик чора-тадбирлар ўтказиш мақсадида юрак қон-томир касалликларига юқори хавф омили бўлган кишилар гуруҳини тузиш ва врач назорати остида ушбу хавф даражасини камайтиришга қаратилган.

Айрим популяцияларда ўтказилган тадқиқотлар натижалари URAT1 (rs3825016) (Uric Acid Anion Transporter 1) генлари полиморфизми ЮИК бўлган беморларнинг қон зардобадаги сийдик кислотаси концентрацияси ўртасида яқин ўзаро боғлиқлик мавжудлигидан дарак беради. Ушбу ген буйрақларнинг проксимал каналчалари ҳўжайралари мембрананинг ажралмас қисми бўлган оксил синтезига жавоб берган. Симptomсиз гиперурикемия билан биргаликда кечувчи ЮИК бўлган 106 беморлар ва 17 ўзбек миллатига мансуб соғлом кишиларда URAT1 (rs3825016) гени полиморфизмини ўрганиш назорат гуруҳига нисбатан T аллелнинг кўп учрашини (64,1% беморларда учраган бўлса, назорат гуруҳида 41,2% учради, $\chi^2=6,4$; $P=0,01$) кўрсатди. URAT1 (rs3825016) генининг T/T гомозиготаси назорат гуруҳида 24,5% да аниқланган бўлса, беморларда эса унинг улиши 60% гача ортган ($\chi^2=4,6$; $P=0,03$; OR=32,4) (2 жадвал). C/C гомозигота варианты соғлом кишиларда 47% ни ташкил қилган бўлса, беморларда атиги 13,6% да учраган ($\chi^2=4,6$; $P=0,03$; OR=32,4).

Баъзи маълумотларга кўра, ЮИКда генлар полиморфизмининг жинсга боғлиқлиги аниқланган. Бунинг аҳамиятлигини эътиборга олиб, биз ҳам URAT1 (rs3825016) гени полиморфизмини жинсга боғлиқлигини таҳлил қилдик. Бизнинг тадқиқотларимизда аёл беморларда URAT1 (rs3825016) гени C/T генотипи учраши фарқланмади.

Эркак жинсига мансуб беморларда URAT1 (rs3825016) гени T аллелининг учраш 58,2%ни ташкил этди ва аёлларга нисбатан анчагина юқори бўлди (назорат гуруҳида 25%, $\chi^2=4,86$, $P=0,027$). Демак, URAT1 (rs3825016) генининг баъзи аллелларининг жинсга боғлиқлиги аниқланди ва уларнинг турли салбий вариантларининг учраши индивиднинг жинсига боғлиқ бўлган.

ЮИК ассоциалашган симптомсиз гиперурикемия бўлган беморлар ва соғлом индивидларда URAT1 (rs3825016) гени генотиби C/T полиморфизмини учраши

Полиморфизм	Гуруҳлар	N	Генотиплар			χ^2	P _{Value}	OR
			C/T	C/C	T/T			
C/T URAT1 (rs3825016) (rs3825016)	Назорат	17	4-28,5%	8-47%	5-24,5%	4,6	0,03	32,4
	Беморлар	106	28-26,4%	24-13,6%	54-60%			

Шундай қилиб, ўзбек миллатида ўтказилган молекуляр-генетик текширувлар натижалари симптомсиз гиперурикемия негизида ЮИК ривожланиши URAT1 (rs3825016) генининг полиморф вариантлари боғлиқлигини кўрсатган. URAT1 (rs3825016) генининг T/T генотиби ва T аллели учраши симптомсиз гиперурикемияда ЮИК ривожланишининг асосий ҳавф омили ҳисобланади, шу геннинг C/C генотиби ва C-аллели касаллик риволаниши ҳавфини белгилаган.

ЮИК бўлган беморларда URAT1 (rs3825016) генининг полиморф вариантлари учрашини сийдик кислота миқдори билан таҳлил қилинганда, қон зардобида сийдик кислота миқдори 350 ммоль/л дан юқори бўлган пациентларда асосан URAT1 (rs3825016) гени T/T варианты учраши, ўртача кўрсаткичи эса C/C гомозигота ва C/T гетерозигота генотипларида қайд этилган. Қонда УХС миқдори 6,2 ммоль/л ортиқ бўлиши нисбатан URAT1 (rs3825016) гени C/C варианты бўлган гуруҳда кўпроқ аниқланди, ўртача миқдори (5,1 дан 6,1 ммоль/л гача) – C/T генотиби, паст миқдори (5,0 ммоль/л дан паст) – T/T вариантыда кузатилган. ЮИК ва симптомсиз гиперурикемия бўлган беморларда T/T гомозигота ва C/T гетерозиготалиларга нисбатан C/C аллели гомозигота ҳолатда қон зардобида TNF- α (rs1799724) ва IL-6 анча юқори миқдорилиги аниқланди. Ушбу гуруҳда ФНО- α нинг аҳамияти генотип C/T $p < 0,05$ мавжуд пациентларга нисбатан статистик жиҳатдан юқори аҳамиятли бўлган.

GLUT9 (rs52448471) гени глюкозани ташувчи деб аталувчи оксил иш фаолиятини таъминлаган. Бу оксил асосан буйракларнинг проксимал каналчаларда бўлади ва сийдик кислотасини ташилишига ёрдам берган. ЮИК билан симптомсиз гиперурикемияли беморларнинг 83,1% T аллель учраши аниқланган (назорат гуруҳида 50%, $\chi^2 = 15,32$; $P = 0,0001$) (3 жадвал). GLUT9 (rs52448471) генининг T/T гомозигота вариантнинг беморларда назорат гуруҳига нисбатан анча юқори бўлган (67,8%, назорат гуруҳида эса 35,2%, $\chi^2 = 5,77$; $P = 0,01$; OR=10,3), гомозигота G/G варианты эса анчагина паст бўлди

(1,8%, назорат гуруҳида 35,2%, $\chi^2=5,77$; $P=0,01$; $OR=10,3$). GLUT9 (rs52448471) генининг T/G гетерозигота варианты беморларда учраши назорат гуруҳидагига нисбатан фарқ қилмаган. Симптомсиз гиперурикемия негизида ЮИК ривожланган беморларда GLUT9 (rs52448471) T/G генининг полиморфизмини таҳлил қилиш T аллели ва T/T генотипларни статистик ишонарли фарқланишини кўрсатган.

3 жадвал

ЮИК билан симптомсиз гиперурикемия беморлар ва соғлом индивидларда GLUT9 (rs52448471) гени полиморфизми T/G аллели тақсимланиши

Полиморфизм	Гуруҳлар	n	Генотиплар			χ^2	P Value	OR
			T/G	G/G	T/T			
T/G GLUT9 (rs52448471)	Назорат	17	5-29,6 %	6-35,2 %	6-35,2%	5,77	0,01	10,3
	Беморлар	56	17-30,4%	1-1,8%	38-67,8 %			

GLUT9 (rs52448471) генининг T аллели ва T/T гомозигота варианты симптомсиз гиперурикемия билан кечувчи ЮИК ностабил шаклидан назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ ($94,7\%$, $\chi^2=39,5$; $p=0,0001$) ва ($92,1\%$, $\chi^2=21,9$, $P=0,0001$; $OR=21,8$) учрайши исботланган. Тадқиқот натижалари ностабил стенокардия бўлган беморларда GLUT9 (rs52448471) генининг ноҳўя T/T генотипини ишонарли тўпланишини кўрсатди ($92,1\%$, назорат гуруҳида $24,5\%$, $\chi^2=21,9$, $P=0,0001$; $OR=21,8$). Демак, ўзбек этник гуруҳига мансуб симптомсиз гиперурикемия билан кечувчи ЮИКда касалликнинг касалликни ностабил кечинида юқори хавф омили бўлиб GLUT9 (rs52448471) генининг T/T генотипи ва T аллеллари ҳисобланган. Симптомсиз гиперурикемия билан биргалликда кечувчи ЮИК беморларда GLUT9 (rs52448471) гени T/G полиморфизмини қон зардобидаги сийдик кислота, УХС ва цитокинлар миқдори билан боғлиқлигини таҳлил қилганимизда сийдик кислота миқдори 350 ммоль/л дан юқори бўлиши T/T варианты бўлган беморларда асосан аниқланди, ўртача бўлганида – G/G гомозигота ва G/T гетерозигота генотиплари кўп учраши аниқланган. УХС миқдорини қонда $6,2$ ммоль/л дан ортиқ бўлиши T/T варианты кузатилган бўлса, ўртачада ($5,1$ дан $6,1$ ммоль/л гача) бўлиши G/T генотипига хос бўлди, умумий холестеринни меёрида бўлиши ($5,0$ ммоль/л дан паст) - G/G вариантыда асосан аниқланди. Қон зардобида TNF- α ва IL-бларнинг ўта юқори миқдори T/T гомозигота вариантга хос бўлиб, уларда G/G ва T/G

вариантдаги беморларга нисбатан TNF- α (rs1799724) миқдори қон зардобидан анчагина статистик ишонарли юқорилиги аниқланган ($P < 0,01$ ва $P < 0,01$).

ЮИК патофизиологиясида яллиғланиш ва иммун жараёнлари муҳим роль ўйнаган. Иммун жавоб реакцияси ва яллиғланишда катнашувчи генлар полиморфизми орасидаги боғлиқликлар етарлича ўрганилганига қарамадан, олинган натижалар бир хил эмас. Шу нуқтаи назардан, диссертацион тадқиқотда TNF- α (rs1799724) гени аллеллари ва генотиплари учрашини симптомсиз гиперурикемия незизида ЮИК ривожланган беморларда таҳлил қилдик. ЮИК билан ассоциациялашган симптомсиз гиперурикемияда TNF α генининг А аллели доминантлиги исботланган (46% га нисбатан 64%, мос равишда, $\chi^2=8,8$; $P=0,002$) (4 жадвал). Беморларда ушбу геннинг А/А гомозигота вариантини учраши назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлган (36% нисбатан 53%, $\chi^2=9,1$; $P=0,002$; OR=1,41).

4 жадвал

ЮИК ассоциациялашган симптомсиз гиперурикемия билан беморлар ва соғлом индивидларда TNF α гени G/A генотиплари полиморфизмини учраш тақсимоти

Полиморфизм	Гуруҳлар	N	Генотиплар			χ^2	P Value	OR
			G/A	G/G	A/A			
G/ATNF α	Назорат	50	5-10%	27-54%	18-36%	9,1	0,002	1,41
	Беморлар	100	22-22%	25-25%	53-53%			

Эркак беморларда G/A гетерозигота варианты назорат гуруҳидагиларга нисбатан статистик ишонарли кўп учраши аниқланган (7,2% га нисбатан 26,7%, $\chi^2=4,55$; $P=0,03$; OR=0,10). НСси бўлган беморларда TNF α гени А/А вариантини юқори даражада учраши ва уни G/G вариантини назоратдагига нисбатан камайишга мойиллиги қайд этилган (36% га нисбатан 60,6%, мос равишда, $\chi^2=10,3$; $P=0,001$; OR=1,76). ЮИКда TNF α гени А/G полиморфизми СК ва УХС миқдори билан боғлиқлиги қайд қилинган. ЮИК билан ассоциациялашган симптомсиз гиперурикемияли беморларда TNF α гени билан қон зардобидан сийдик кислота, УХС ва цитокинлар орасидаги боғланишларни аниқлаш сийдик кислота миқдори 350 ммоль/л дан юқори бўлиши гетерозигота G/A генотипи бўлган беморларда, ўртача ошиши эса кўпроқ G/G гомозигота ва G/A гетерозигота генотипларида кузатилган. TNF α генининг А/А варианты қон зардобидан УХС миқдори 6,2 ммоль/л дан юқори бўлган беморларда кўп кузатилди, G/A

